Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

# Туркистон

1994 йил 5 октябрь • Чоршанба • № 78 (14239) ترکستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг бош котиби Антонио Энрикес Савиньякни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Буюк ипак йўли" халқаро анжуманининг очилиши билан қутлаб, унинг ишига муваффақият тилади.

– Икки юз элликдан ортиқ мамлакатни бирлаштирган бу нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳар икки томон учун ҳам катта истиқболлар очади, – деди Ислом Каримов. – Юртимизда хорижий сайёҳлар диққатини тортадиган қадамжолар кўп. Чунки Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган, тарихи ва маданияти бой қадимий ўлкалардан биридир.

А. Э. Савиньяк самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, анжуманни ўтказиш учун яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган шарқона ҳурмат ва эътибордан мамнуният изҳор этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Европа бўйича вакили В. Жусти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ АНДИЖОНГА КЕЛДИ

4 октябрь. (ЎзА махсус мухбирлари Ғ. Мирзо, К. Низом хабар қилади). Бугун республика Президенти Ислом Каримов Андижонга келди. Ислом Каримов Асака шаҳридаги "Ўздэу" Ўзбекистон — Қурия Республикаси қўшма автомобиль корхонаси қурилишининг бориши билан танишди. Муҳандис ва ишчилар билан мулоқотда бўлди.

Бўз тумани Улуғбек номидаги жамоа хўжалиги, Комсомолобод туманидаги "Улуғнор" ширкатлар уюшмаси далаларини кўздан кечирди. Пахтакор ва ғаллакорлар билан суҳбатлашди. Суҳбатда юртбошимиз пахта билан бир қаторда ғалла етиштиришга алоҳида эътибор бериш лозимлигини, бу иқтисодий мустақилликка эришишда муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги боғда бўлди. Бобур даҳмасини зиёрат қилди, шоирнинг музейи билан танишди.

Кечқурун вилоят ҳокимлиги биносида фаоллар йиғилиши бўлди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президентнинг Андижон вилояти бўйлаб сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов ҳамроҳлик қилдилар.

Улуғбекнинг набиралари

## ГЎЗАЛЛИКНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

**ёхуд "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танлови ғолиблари**

**Республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги ва Шарқнинг буюк мутафаккири Мирзо Улуғбек Тарағай таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек жамғармаси "Истеъдодларни излаймиз" кўрик-танловини ўтказди. Бу кўрик-танловга тақдим этилган 200 тага яқин ижодий иш кўриб чиқилди. Адабиёт, техника, медицина, экология, санъат ва архитектура соҳаларида етти ғолиб аниқланди. Танишинг, улар қуйидагилар:**

**1. Дилшод МИРЗАЕВ** — Самарқанд Давлат Архитектура қурилиш институти ўқитувчиси.

Ургут туманидаги янги телевизион минора лойиҳаси учун.

**— ... Бино кўкка бўй чўзган сайин қаватма-қават қисқариб борувчи айланма асосдан ташкил топган...**



**2. Достон УБАЙДУЛЛАЕВ** — Тошкент шаҳридаги 253-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Алоҳида истеъдоди ва ёшлар орасида кенг тарқалган қўшиқлар дастаси, санъат соҳасида эришган ютуқлари учун.

**— ..."Суд куни", "Опа-сингиллар", "Хотинбоз" фильмларида ўйнаётган ролларим ҳам менга азиз, — дейди у.**



**3. Ислом КАРИМОВ** — Тошкент химия-технология институти илмий ходими.

Пахта монокультураси ва Орол денгизининг қуриши натижасида Марказий Осиёда юзага келган экология ва ижтимоий муаммоларни ечиш учун янги полимер материалларни яратгани учун.

**— ... Гидрогелларни ишлатиш натижасида пахта вегетацияси даврида 25—40 фоиз нам тежалади, — дейди ёш олим.**



**4. Даниил ХОЛИҚОВ** — В. Успенский номли мусиқа мактаби ўқувчиси.

Бир қатор концерт (кларнет) программалари ва халқаро анжуманлардаги ёрқин ижрочилик маҳорати учун.

**— Шундай куйлар борки дунёда, мен ҳали уларни ижро этганим йўқ. Аммо ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаганимни ҳисобга олсангиз... — дейди Даниил, унинг келажакдан умиди катта.**



**5. Жумақул РАЖАБОВ** — Қарши Давлат университети аспиранти.

"Узилмаган умид иплари" шеърлар тўплами учун.

**— ...Эсаётган фурсатнинг бетин,**
**Шамолига кўникиб қолдим...**



**6. Равшан КОМИЛОВ** — Республика ИИВ ансамбли хонандаси.

Мамлакат ёшлари орасида кенг оммавийлашган қўшиқлар дастаси учун.

**— ...Муҳаббатга, ёшликка ҳамроҳдир қўшиқ, — дейди Равшан.**



**7. Моҳир МАҲКАМОВ** — Тошкент Давлат 1-Тиббиёт институти ассистенти.

Юз ва жағ соҳаси нуқсон ва шакл тузилишларини шишакристалл имплантант билан бартараф этишда янги даволаш усулини топгани учун.

**— Ҳамма соғлом бўлар бу юртда, чунки биз шу ният йўлида риёзат чекмоқдамиз, — дейди Моҳир.**



**ЗИММАМИЗДАГИ УЧИНЧИ ВАЗИФА — УЧИНЧИ ШИОР:**

**Қонун устиворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!**

**Ислом КАРИМОВ.**

## ЎЗ ЮРТИ, ЎЗ УЙИДА ОСОЙИШТА БАРКАМОЛ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ БИЛАН ЯШАБ КЕЛГАН ОНА ШАРҚ

*Қонун устиворлиги тартиб ва интизомни таъмин этади. Бу эса ўз навбатида халқларимизнинг тотув ва аҳил яшашига, яратувчанлик иши билан машғул бўлишига кафолатдир.*





## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ АСОСЛАРИ

Тинч хотиржам яшаганга не етсин. Баъзан ўйлаб қоламан. Баъзи жанжалкаш, тўпалончиларга ҳаётдан нима керак экан. Бола-чақанг бўлса, уй-жойинг бўлса оғримаган бошингни оғритиб нима қиласан, дейман. Ичиб олиб кўча-кўйда ўзларини кўрсатиб қўйиш учун жанжал чиқариб юришади. Бизнинг маҳалламизда ҳам доим ичиб юрадиган уч-тўрт улфатлар бўларди. Яқинда туман ички ишлар бўлимидагилар уларни тартибга чақириб қўйишди. Маҳалламиздагиларнинг ҳам қулоғи тинчиди. Тўғриси, бундан уч-тўрт йил илгари кечки пайт оиламиз билан кинога ёки бирон жойга боришга қўрқиб қолгандик. Қўни-қўшнилардан ҳар хил гаплар эшитиб қолардик. Бири "Фалончининг зирагини қулоғидан ечиб олибди" деса, яна бирови "фалончининг пулини йўлтўсарлар олиб қўйибди", деган гаплар ҳам бўлиб турарди.

Худога шукр, бугунги кунда бундай ваҳимали гапларни эшитмаяпмиз. Кечалари тўю томошаларга оиламиз билан бориб келаяпмиз. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Кўчаларда ички ишлар ходимларининг халқимиз тинчлигини сақлаб хизмат қилаётганини кўриб янада кўнглимиз тоғдай кўтарилади.

Ҳақиқатни айтиш керак. Президентимиз И. Каримовнинг жиноятчиликка қарши алоҳида кўрсатмасидан сўнг ҳуқуқшуносларимиз ўз ишларида туб бурилиш ясашди. Бунга халқимиз гувоҳ.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Жиноятчиликка қарши курашда матбуот ва ойнаи жаҳоннинг ўрни катта. Матбуот ва телевидениеда уларнинг ҳақиқий башараларини фош қилиш керак. Шунда жиноят кўчасига кираётганлар ўзларига хулоса чиқариб олишади. Тўғриси инсонни жиноят йўлидан қайтариш мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда жамиятимиз сергак бўлиши керак.

**Абдуҳамид ТЎЙЧИЕВ, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани.**

## ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

**Инсон — у қайси мамлакатнинг фуқароси, қайси ирқ вакили бўлмасин ва қандай динга сиғинмасин, қатъи назар, азалий ақидаси ва орзуси — тинч ва осойишта яшаш, ўз эркича Ватан саодати йўлида меҳнат қилиш, келажак насллари бахтини кўришдир.**

**Қайта қуриш дея ном олиб тарихга кирган даврда демократия ниқоби остида турли гуруҳлар майдонга чиқдики, улар "халқ манфаатлари"ни ҳимоя қилиш баҳонасида асосан ўзларининг худком манфаатлари учун курашдилар. Ана шундай бошбошдоқликлар авж олган вазиятда ўғрилик, талончилик, босқинчилик каби халқимиз табиатига ёт юлғичликлар бошланди.**

**Худога шукрки, юртбошимиз бу тартибсизликларга ўз вақтида чек қўйди. Натижасини эса бугун барчамиз кўриб турибмиз. Юртимиз тинч, халқимиз истиқлолимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Барча соҳаларда қонун устиворлиги тан олинди. Жиноятчиларга қарши бошланган тартиб ва интизом устунлиги барча катта-ю кичик соҳаларни ўз ичига олди. Қонун ўз кучини кўрсата, ҳукмини ўтказа бошлади. Ҳуқуқий давлат шу тарзда қарор топади.**

**Мустақиллигимиз душманлари, Ватанимиз бахтини кўролмайдиган баъзи инсонлар Ўзбекистонда миллатлараро низо уруғини сочишга, динлараро зиддиятлар уйғотишга ҳам чандон уриниб кўрдилар. Худога яна бир марта шукрки, уларнинг қора ниятлари яна амалга ошмади. Мамлакатимизни ўзаро келишмовчиликлар гирдобига торта олмадилар. Бугун ҳаммамиз гувоҳмизки, Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи ёки диний эътиқоди қандай бўлишига қарамасдан, бир жон бир тан бўлиб шу тупроқ, шу юрт, шу Ватан чиройини очиш йўлида қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.**

**Биз юқоридаги фикрларимизни "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси"га асосланган ҳолда ривожлантиришимиз мумкин. Зеро, Конституциямизнинг 11-боби, 7-моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир", деб таъкидланса, айни шу бобнинг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дейилади. Шунингдек, Конституциямизнинг V-боби 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар", деб алоҳида урғу бериб кўрсатилиши ҳам таҳсинга лойиқдир.**

**"Ҳа, энди бунақа инсонпарвар қонунлар аввал ҳам бўлган. Лекин асосий гап унинг ижроси қандай бўлишида", дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Бу қонунларнинг қай даражада амалиётга сингдирилаётгани аввало юртимиздаги тинчлик, осойишталикда ўз аксини топаётганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Қолаверса, мустақиллигимизнинг уч йиллиги арафасида фидойи ватандошларимизнинг бир гуруҳига "Мустақиллик" ордени топширилганидан, ана шу юксак орденга сазовор бўлганлар орасида ўзбеклар билан бир қаторда "Видербург" немис маданият марказининг раиси Екель Теодор Давидович, Навоий кон-металлургия комбинати директори Куперский Николай Иванович, Ўрта Чирчиқ тумани Ким Пен Хва номидаги халқ корпорациясининг вице-президенти Пак Виктор Тарасовичларнинг борлиги ҳам, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларнинг тенглиги амалда ҳам яққол кўзга ташланаётганлигидан далолатдир.**

**Ватанимиз фуқароларининг бирдамликларини кўриб уларга ҳавас қиладиганларга ҳам, ҳасад қиладиганларга ҳам шоир тилида шундай дейиш мумкин:**

Келдинг оламга, демак,
Етмас уни сўрмак, емак,
Ерни этмоғинг керак
Бўстон ўзинг, ризвон ўзинг...

Бўлмасин субҳинг қаро,
Бор бўл мудом борлиқ аро,
Ўзни этгил доимо
Инсон ўзинг, инсон ўзинг...

Дил сўзлари

### ЭҲТИРОМИМИЗ ЧЕКСИЗ

Биз Ўзбекистонда туғилиб, Ўзбекистонда вояга етиб, маълумотли бўлдик, турли ҳунар эгалари бўлдик, мен салкам эллик йил мактаб директори ва пионерлар саройи директори бўлиб хизмат қилдим. Лекин касбим ёзувчилик бўлгани учун драматургия соҳасида хизмат қилдим. Ўнтача пьесаларим саҳналарда қўйилди, ибн Сино, Умар Ҳайём ҳақида... Намангаҳ театри менинг Алишер Навоий ҳақида ёзган "Олтин қафас ичида" деган пьесамни қўйди.

Бизларнинг дўстлигимиз шу қадар қадимийки, унинг иплари жуда мустаҳкам, бир-биримизга жуда ҳурматимиз баланд...

Ҳозир Ўзбекистонда турли марказлар ташкил қилиниб, ҳар хил театрлар очиляпти. Биз хурсандмиз бундан.

**Арон ШАЛОМАЕВ**

### БИР ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ҳозир ҳам собиқ Иттифоқ жумҳуриятларида Ўзбекистон ҳақида гап очилгудек бўлса, дарров "Тошкент — нон шаҳри" деган машҳур ибора эсга тушади. Бу бежиз эмас, албатта. Бунинг остида чуқур маъно бор. Яъни ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги шу бир оғиз сўз билан эътироф этилади.

Ҳамма халқнинг ҳам ўзига хос ҳислати, урф-одати бўлади. Мен ўзбеклардаги бир фазилатни жуда қадрлайман. Бу улардаги сахийлик, беқиёс меҳр-шафқат туйғусидир. Ахир, уруш йилларида 200 мингдан зиёд етим болаларни ўз бағрига олган одамлар ҳақида тўлқинланмай гапириб бўладими? Бу фазилат уларнинг қон-қонига сингиб борган ва миллий ғурурга айланган.

Ўзбеклар табиатан санъаткор халқ. Мен тақдир тақозоси билан шу юртда яшаётганимдан фахрланаман. Чунки бу ерда ҳеч ким ўзини бегона, деб ҳис қилмайди. Бу ерда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир миллат вакили саховатли тупроқ неъматларидан бирдай баҳраманд. Уларнинг ҳар бири Президентимиз И. Каримов айтганларидай фахр ва ғурур билан, "Мен озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман!" — дея оладилар.

**Наташа ГУШИНА, М. Қориёқубов номидаги "Зарафшон" ансамбли раққосаси.**

### ТОТУВЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг таркибига бир вақтлар ихтиёрий-мажбурий киритилган бир қатор республикалар ўз мустақиллигига эришгач, биз ҳам эл қатори қувондик. Чунки, биз Ўзбекистонни ўз ватанимиз деб ҳисоблаймиз. Уй-жойимиз, бола-чақамиз, қариндош-уруғу, дўст-биродарларимиз ҳамма-ҳаммаси шу ерда. Бир сўз билан айтганда, шу юрт тупроғига томир отиб, палак ёйганмиз.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси"нинг 1-боб 4-моддасида "...Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", дейилган. Айни жумлалар ҳаётда ҳам ўз аксини топмоқда. Ҳалигача менга бирор киши татар миллатига мансуб бўлганлигим учун бу ерда четлагани йўқ. Ўйлайманки, Она-Ўзбекистонимиздаги бу тотувлик абадий сақланиб қолади. Чунки, Конституциямиздан тортиб, бошқа барча қонунларимизда ҳам, миллатлар ҳамдўстлигига соҳида эътибор билан қаралган.

**Гулсина САЛИМГАРАЕВА.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни**

# Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида

## I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

*1-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми*

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси республикада қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органидир.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўз ваколатига берилган ҳар қандай масалани ўз муҳокамасига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бир палатали органдир.

Олий Мажлис ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат.

Олий Мажлис фаолиятининг доимий ва самарали бўлиши унинг сессиялари, Олий Мажлис Кенгаши, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳамда депутатларнинг иши билан таъминланади.

*2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов*

Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва унга мувофиқ чиқариладиган республиканинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

*3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколат муддати — беш йил.

Ваколат муддати тугагач, Олий Мажлис янги чақириқ Олий Мажлис иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

*4-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари жумласига:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Қонунларини қабул қилиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

3) Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари органлари тизимини ва ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ белгилаш;

5) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

6) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

7) маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасининг чегараларини ўзгартириш;

8) Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9) Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига ва маҳаллий вакиллик органларига сайлов тайинлаш; Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

10) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ваколати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кунини тайинлаш;

11) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш;

12) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий судини сайлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ва вазифасидан озод этиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ва лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталарини ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг муддатини узайтириш ва тўхтатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

21) халқаро шартномаларни ва битимларни ратификация (тасдиқлаш) ва денонсация (барвақт тўхтатиш) қилиш;

22) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

23) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ва чегараларини ўзгартириш;

24) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

(Давоми 2-бетда).

# О Л Т И Н  К У З —94

*Ўзбекистон — ватаним маним!*

**Бизнинг Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатимиз бугун далаларда синалмоқда. Она заминимизда қадоқ қўл деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳал қилувчи паллага кирди. Шу сабаб, пахтазорларда, полизу боғларда юмушлар қизғин. Дарахт шохларида ўзининг бутун жамолини кўз-кўз қилиб турган олмаю анорлар, хурмою ноклар миришкор боғбонларнинг меҳрибон қўлларига мунтазир. Айниқса, пахтазорлардаги суронли меҳнат жабҳасини айтмайсизми! Заҳматкаш пахтакорнинг оғирини енгил қилиш мақсадида бугун бутун элу юрт белига этак тутишди. Ўз ташаббускорлари билан ҳашарлар уюштириб, далаларга чиқишди.**

**Суратларда: Нарпай туманидаги "Ғалаба" ширкатлар уюшмасининг илғор ишчиси Дилфуза Рўзиева ўз меҳнати меваларини териб олмоқда.**

**Мирзачўл тумани 8-ширкат хўжалигининг чевар теримчиси Жаннат Ашурова.**

**Ҳашарга отланган Жиззах ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишчиларидан бир гуруҳи.**

Р.АКБАРАЛИЕВ ва Т.НОРҚУЛОВ суратлари.







*Истиқлол—менинг тақдиримда*

## НЕ САОДАТКИ...



Мустақиллигимиз уч ёшда. Истиқлолнинг илк тонгида дунёга келган чақалоқ бугун ўзининг мурғак ақли-ю бийрон тили билан нафақат бутун оилани ҳатто маҳалла - кўйини оғзига қаратиб ўтирибди. Мустақилликни чақалоққа қиёслашим бежиз эмас. Негаки, у бугун уч ёшда. Негаки, у ҳам ҳаммамизни ўзининг дадил қадамлари билан лол қолдирмоқда. Негаки, у ўзининг ёқимтой қилиқлари, феъл-атвори билан ҳаммамизни мафтун этмоқда. Негаки, ёш, мустақил давлатимиз бутун дунёни ўзига қаратмоқда.

Шу тобда кўнгилдан не туйғулар кечмайди, дейсиз. Бундан ўн йил, ҳатто беш йилгина бурун Ўзбекистон мустақил бўлади, ўзбекнинг байроғи БМТ биноси қошида ҳилпираб туради, ўзбек давлатининг раҳбари дунёнинг юксак минбарига кўтарилади деб ишонармидик? Ишониш у ёқда турсин, ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Не саодатки, бугун бизнинг эркимиз ўз қўлимизда. Шундай дамларда беихтиёр узоқ ўтмишдан бугунги кунгача бўлган бутун бир давр кўз ўнгимизда гавдаланади. Халқимиз оғир ва машаққатли йўлларни босиб, бу табаррук кунларга етиб келди.

Мустақиллик осонгина қўлга киритилди, дегувчилар хато қилади. У курашлар, қурбонлар, ҳақоратлар, кўз ёшлар эвазига келди. Мустақиллик учун курашда халқимизга Яссавий, Темур, Бобур, Улуғбеклар руҳи, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар руҳи мададкор бўлди, Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлди... Халқимиз бу муборак кунни асрлар мобайнида кутди. Мустақил бўлдик. Лекин Мустақиллик йўли ҳам теп-текис, равон йўл эмас экани бугун ҳаммамизга беш қўлдай аён. Мустақилликни мустаҳкамлаш, халқни бу ишга сафарбар этиш, иқтисодиётни, маънавиятни кўтариш учун қадам-бақадам тер тўкилди. Юртбошидан тортиб оддий фуқарогача-давр ҳар биримизга катта масъулият юклади.

Истиқлол бизга нима берди? деган савол туғилиши табиий. Бу саволга аниқ жавоб бераман.

У — бизга кўп неъмат берди. Аввало — Ватан берди, чунки Ватанимиз йўқ эди. У бизга тил берди, чунки тилимиз йўқ эди. У бизга ғурур берди, чунки қул эдик. У бизни ўзликка қайтарди, чунки ўзлигимиздан жудо бўлган эдик.

Узоққа бормасдан бир мисол келтирмоқчиман. Мустақиллик шарофати билан ижод аҳлига қилинаётган ғамхўрликларни олайлик, яқин бир-икки йил ичида республикамизнинг вилоятлари, хусусан пойтахтда истиқомат қилаётган қанчадан-қанча ёш ижодкорлар Президент фармонига кўра уй-жой билан таъминланди.

Мустақилликнинг уч йиллик тўйи арафасида ёзувчиларимизнинг элликдан зиёд оилалари янги қуриб битказилган уйга кўчиб ўтишди. Демакки, бу ижодкорлар янада ғайрат-шижоат билан юртимиз равнақи учун меҳнат қилишади.

Ватанимиз келажаги аввало бугунги ёшларга боғлиқ. Афсуски айрим ёшлар буни чуқур ҳис қилмасдан ўзларининг ёшлик куч-ғайратларини беҳуда ишларга сарфлашяпти. Ўтиш даври учун бу ҳам табиий ҳол. Лекин ишонаманки, эртанги кунимизга билимга чанқоқ, элим деб, юртим деб, куйинадиган ёшлар ярайди. Ва яна ишонаманки, юртимизнинг кўп миллионли ёшларининг фикри ҳам ана шундай.

**Абдумажид АЗИМ**
**шоир.**

## ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК — САМАРАЛИ ЙЎЛ

**"Оҳангаронцемент" ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги қурилиш материаллари тайёрланадиган йирик меҳнат жамоаларидан бири. Иқтисодий алоқаларнинг узилиши боис бирлашманинг истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериши қийинлашиб қолган эди. Сўнгги пайтда аҳвол ўзгарди. Бугунги кунда корхона йилига 1 миллион 600 минг тонна цемент ишлаб чиқармоқда. Бирлашма маҳаллий қурилиш ташкилотлари ва республика аҳолисидан ташқари, Россия, Афғонистон, Эрон, Исроил ва Покистон давлатларига ҳам маҳсулот жўнатмоқда.**

**— Президентимизнинг шу йил 21 февралда эълон қилинган Фармони биз учун катта аҳамиятга эга бўлди, — дейди бирлашма Бош директори Имомжон Искандаров. — Яъни, давлат буюртмаси бекор қилиниб, бизга эркин фаолият юритиш ҳуқуқи берилди. Бу эса бозор иқтисодиёти шароитида истиқболли фаолият учун кенг йўл очаётир.**

**Бундан руҳланган цементчилар ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмаслик мақсадида илғор технологияларни дадил жорий этмоқда. Корхонада кенг миқёсда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. 5 миллион АҚШ доллари эвазига Олмония ва Ҳиндистондан цемент қадоқлаш ускуналари келтирилмоқда. Улар ишга туширилгач, йилига 300 минг тонна цементни қадоқлаб хорижга сотиш имкони туғилади.**

**Бирлашма маъмурияти хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда кенг истеъмол моллари тайёрлашга ҳам катта эътибор бераётир. Агар ўтган йили 100 минг дона шлакоблок ишлаб чиқарилган бўлса, мавжуд цехни кенгайтириш эвазига шу йилнинг сентябридан бошлаб маҳсулот ҳажми ойига 420 минг дона кўпайди. Бирлашманинг Шоғозсойдаги карьеридан кварц қум топилгани ҳам меҳнат жамоаси учун яна бир муҳим даромад манбаи бўлди. Автомобиль ойналари ва шиша идишлар ишлаб чиқаришда ниҳоятда зарур бўлган бу саноат хом ашёсининг дастлабки минг тоннаси яқинда Олмалиқ маиший химия заводига етказиб берилди. Шунингдек, бирлашма қошида йилига 220 миллион дона шиша идиш тайёрлайдиган завод қурилиши ҳам давом этмоқда.**

**Бозор иқтисодиёти шароитида самарали йўлдан дадил бораётган бирлашма маъмурияти ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилашга ҳам катта эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда ўртача маош 550-600 сўмни ташкил этади. Ҳар ойда 120 сўмдан овқат пули ҳам берилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳар бир жамоа аъзосининг ишлаб чиқаришдаги фаоллигини ошириш, демакки, бирлашманинг илгариги мавқеини тез орада тиклаб олиш имконини беради.**

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Бизнинг мулоқот*

## КАСБИМИЗ ЧИРОЙГА-ЧИРОЙ ҚЎШИШ

Биз гўзал ва кўркам, бир қарашингиздаёқ юрагингизни жиз эткизиб, ўзига маҳлиё қилиб қўядиган уйларга қандайдир бир ҳавас ёки қизиқиш билан қараганимизда халқимизнинг "Инсоннинг қўли гул" деган мақолини яна бир бора такрорлашга мажбур бўламиз. Хўш, чиройли уйлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ўша қўли гул номини олиш бахтига муяссар бўлган бахтли инсонлар қайси касб эгалари бўлиши мумкин? Албатта меъморлар ва қурувчилар-да.

Шундай мўъжизакор инсонлардан бири, Халқаро меъморлар академиясининг аъзоси, Давлат ва Халқаро мукофотлар лауреати, қолаверса, республика Меъморлар уюшмасининг раиси Феруз Мухторович Ашрафиев билан суҳбатимиз уюшманинг келажакдаги режалари ҳақида бўлди.

**— Мамлакатимиздаги ижодий уюшмаларга яратилган яхши муҳит ва шароитни хорижий ўлкалардан ташриф буюрган ижодкорлар ўзгача бир мамнуният билан тилга олишади. Сабаби, хорижий мамлакатларда биздаги ижодий уюшмалардек ташкилотлар деярли йўқ. Балки уларда фақатгина ижодий гуруҳларгина мавжуд. Ҳозирги суҳбатимизни ҳам ана шу хусусда бошласак.**

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Ўзбекистонда меъморлар, ёзувчилар, журналистлар, композитор ва бастакорлар, мусаввирлар, киночилар ҳамда дизайнерлар сингари ижодий уюшмалар мавжуд. Бу ижод аҳли азалдан Ватанимиз равнақи, маданиятимизнинг юксалишида муносиб улуш қўшиб келаётганлиги ҳаммамизга маълум. Энди хорижликлар фикрига келадиган бўлсак, ҳақ гапни айтишган. Чунки бизда ижод билан шуғулланадиган ҳар қандай одамга керакли шароитлар яратилган. Шу ўринда меъморлар уюшмаси хусусида ҳам баҳоли қудрат гапириб бераман.

Шу йилнинг октябрида 60 йиллик тўйимизни нишонлаш учун катта тайёргарлик кўряпмиз. Гапимга аниқлик киритадиган бўлсам уюшмамиз 1934 йилнинг 28 октябрида ташкилий қўмита томонидан тузилган. Унга биринчи раис бўлиб таниқли меъмор, профессор Г. М. Сварчевский сайланган.

**— Ҳамма соҳада ҳам ўзининг касбини дилдан севиб, шу касб орқали минглаб одамлар олқишига сазовор бўлиб, улар қалбида бир умрга ўчмас из қолдирадиганларни кўплаб учратамиз. Шундай олижаноб, халқимиз учун хизмат қилган меъморлардан кимларни мақтовга лойиқ, дея оласиз?**

— Сиз айтган хизмат ва ҳурматларга эга бўлган ҳамда юзлаб шогирдлар етиштирган Г. М. Сварчевский, С. Жаҳонгиров, С. Асқатуров, М. Булатов, А. Бобохонов, Ф. Турсунов ва Т. Қодироваларни ҳақиқий жонкуяр меъморлар деб тан олиб, уларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламан. Бу одамлар Ўзбекистон меъморлар уюшмасининг илк ташаббускорлари ва қалдирғочлари бўлиши билан бир қаторда жумҳурият, вилоят, шаҳар ва қишлоқ меъморчилик қурилишларини лойиҳалаштиришда кўрсатган жонбозликлари доимо ёдимизда. Уюшмамиз кўрик ва танловлар асосида жумҳуриятимиздаги ҳамма қурилиш лойиҳа иншоотлари, йирик бинолар қурилиши ҳамда давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ижодий иш олиб боради. Шу фурсатда бир нарсани эсга олишни истардимки, у ҳам бўлса, ҳаммамизни эсанкиратиб қўйган 1966 йилги ер силкинишидир. Бу нохушлик бошқалар билан бир қаторда меъморларга ҳам жуда катта масъулият ва талабчанлик юклади. Меъморларимизнинг ўша пайтдаги тинимсиз меҳнатлари эвазига шаҳримиз гўзаллиги тез орада қайта тикланди.

**— Кейинги етмиш йиллик давр бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Хўш, мустақиллик шароитида ўзбек меъморчилигида қайтиш қай тарзда кечаётир?**

— Жуда ўринли саволни қўйдингиз. Ҳозирги кунда меъморлар уюшмаси арбоблари миллий ва шарқона шакл ва мазмунга эга бўлган қурилиш ишларини амалга ошириш учун изланишяпти. Улар кўпроқ диққат эътиборни тортадиган ҳар томонлама қулай, заминимизга, шарт-шароитимизга хос бўлган турли биноларни бунёд этиш учун ҳар хил тадбирлар, танловлар ва тантанали кўргазмалар ташкил қилишмоқда.

**— Уюшманинг қанча аъзоси бор?**

— Ҳаммаси бўлиб 2.000 дан ортиқ аъзомиз бор. Улар жумҳуриятимизнинг турли жойларидаги ташкилотларда хизмат қилишяпти. Ижодий уюшмамиз жаҳон меъморлар уюшмаси ҳамда кўплаб чет мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан мустаҳкам ижодий алоқада.

**— Гапингизга қараганда халқаро меъморлар уюшмасида ҳам анчагина аъзоларингиз борга ўхшайди?**

— Тўғри. Ўзбекистон меъморлар уюшмаси Халқаро меъморлар уюшмасининг нуфузли аъзоларидан бири бўлиб, 1993 йилнинг июлида Чикаго шаҳрида ўтказилган меъморларнинг халқаро Конгрессида иштирок этди. Орамизда турли мамлакатлар меъморлар уюшмалари аъзолари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, Россия халқаро меъморлар академияси аъзолигига ҳақиқий аъзо этиб М. Булатов, мухбир аъзо қилиб Ф. Турсунов, С. Сутягин ва И. Ноткинлар сайланган. Шарқ мамлакатлари халқаро меъморлар академиясига эса ҳақиқий аъзо бўлиб Ш. Асқаров, П. Зоҳидов, Г. Пугаченкова, Ф. Турсунов, мухбир аъзо бўлиб, И. Азимов, В. Нильсен, О. Жабборов, Р. Валиев ва камина Ф. Ашрафиевлар сайланишди.

**— Феруз ака, кино усталари, театр арбобларининг халқаро миқёсдаги фестиваль ва турли анжуманлар ўтказиб туришидан хабарим бор. Демоқчиманки, бундай анжуманлар сизларда ҳам ўтказиладими?**

— Албатта, биз ҳам халқаро доирадаги анжуманлар ўтказиб турамиз. Уюшмамиз Халқаро Оға-Хон жамғармаси билан ҳамкорликда 1992 йил Самарқанд шаҳри марказида Самарқанднинг тарихий қурилишига бағишланган халқаро анжуман ўтказдик. Унга 140 мамлакатдан ҳамкасбларимиз ташриф буюришди. Анжуманда мусулмон меъморчилигидаги энг нодир лойиҳа учун Оға-Хон жамғармаси мукофоти таъсис этилди. Шундай анжуманлардан яна бирини Ўзбекистон Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Оксфорд университети (Лондон) билан буюк бобокалонимиз Исмоил Ал Бухорийнинг Самарқанддаги масжидида таъмирлаш ишларини олиб бориш учун ўтказдик.

**— Жумҳуриятимизда энг кўзга кўринган йирик қурилишлар бармоқ билан саноқли десак ҳам бўлади. Худди шундай шаҳар ва қишлоқларимизни безаб, кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб турган, меҳнатларингиз мевалари билан ҳам таништириб ўтсангиз?**

— Биринчи ўринда Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги санъат саройини тилга олмасликнинг иложи йўқ. Менимча, ҳар бирига таъриф беришнинг ҳожати йўқдир. Шунинг учун умумий қилиб санайдиган бўлсак, Алишер Навоий миллий боғи, пойтахтимиз марказидаги яқинда ишга тушган Туркистон маданият саройи, ёзги концерт зали билан Қўқон шаҳридаги драма театр ва музейи, Тошкент — 2 тайёрагоҳи, Теннис корти ва Физкультура соғломлаштириш комплекси, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги ҳинд биродарларимиз билан ҳамкорликда қурилаётган кўркам меҳмонхона, Тошкент шаҳри марказидаги Амир Темур ҳайкаллари ҳамма-ҳаммаси бизнинг ижодкорларимиз меҳнатлари мевасидир.

**— Суҳбатимизнинг сўнгида ёшларга тилакларингизни билмоқчи эдик.**

— Ёшларга тилакларим кўп. Сабаби, бизлар ниҳоясига етказолмаган ишларни улар давом эттиришади. Шунинг учун ҳам ёшларимиздан жаҳонга юз тутаётган Ўзбекистон аталмиш диёримизнинг равнақи, келажаги ва юксалиши учун бор билим ва кучларини аямасликларини истардим. Ёшликни мен гўзал баҳор фасли билан тенглаштираман. Ва бу фаслнинг ҳар бир меҳмонига ҳавасим келади. Улар билан ҳамкорликда ишлаш, суҳбатлашиш ва улар ҳақида ўқиш одамга завқ-шавқ бағишлайди. (Хушомад қиляпти, деб ўйламанг.) Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ёшлари ҳаётини яхши ёритиб бораётган "Туркистон"нинг ҳар сонини канда қилмасдан ўқиб бораман. Тилагим эса, ягона. Илоё бахтимизга ёшларимиз соғ-саломат ва доимо қувноқ бўлиб юришсин... Юртимиз тинч бўлсин.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**"Туркистон" махсус мухбири.**

*Олий таълим: изланиш йўлларида*

## СУРХОННИНГ НИГОҲИ КИМЁДА

Ҳаёт олдимизга қўйган мактабдаги ислоҳатларни амалга ошириш борасида кимё фанининг олдига ҳам қатор илмий-техника тараққиётига ҳисса қўшиш вазифалари қўйиляпти. Сурхондарё вилояти туманларидаги мактабларда кимё фанининг ўқитилиши ва ўқитувчилар билан таъминлаши бугунги талаблар даражасида деб бўлмайди. Яъни, вилоятимиз мактабларида 32нафар кимё фани ўқитувчиси етишмайди. Натижада бу фанга бутунлай алоқаси бўлмаган бошқа соҳа мутахассислари кимёдан дарс беришяпти.

Ҳозирги пайтда Сурхондарёлик йигит-қизлардан Тошкент Давлат дорилфунунида 6 нафари, Самарқанд давлат дорилфунунида 4 нафари кимё факультетларида таҳсил олишаётир. Аҳвол тўла ўрганилгач, Термиз давлат университети ректори, Ўзбекистон халқ ноиби, Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, профессор Назар Йўлдошевич Тўраев бошчилигида хайрли ишга қўл урилди.

Университет ректорати Термиз давлат университетига кимё бўлими ташкил этиш учун республика Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигига, республика Халқ таълими вазирлигига бир неча бор мурожаат қилди. Ва ниҳоят, 1990 йил июнь ойида Халқ таълими вазирлиги Термиз Давлат Университетида "Кимё" бўлими очишга рухсат берди. Шундай қилиб, Термиз Давлат Университети кимё бўлими 1990-1991 - ўқув йилида ўзининг биринчи қалдирғочларини қабул қилди. Кимё азмайишхоналари (лаборатория) қисқа муддатда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва малакали мутахассислар билан таъминланди. Шу ўринда кимё фанлари номзоди, доцент Т. А. Ҳамроев, кимё фанлари номзоди, доцент Й. Ж. Жўрақулов, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Х. Х. Зокиров, педагогика фанлари номзоди, доцент Ш. А. Қувватов каби жонкуяр ўқитувчилар хизматини алоҳида қайд этиш лозим. Кейинчалик, 1991 йилнинг декабрь ойида кимё кафедраси ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида ўқув ва илмий ишлар самарадорлигини оширишда энг асосий омиллардан бири бўлди. Малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишларини жонлантиришда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Кафедра аъзолари кейинги икки йилда замонавий талаблар асосида ўқув-услубий ишларни бажардилар.

Яқинда Термиз Давлат университети жамоаси билан Тошкент кимё - технология институти жамоаси ўртасида шартнома тузилди. "Анорганик ва аналитик кимё" кафедраси билан Ўзбекистон республикаси ФА кимё институти физика — кимёвий тадқиқотлар азмайишхонаси ўртасида илмий ҳамкорлик ўрнатилди.

Бу факультетимиз олимларининг республикамиз илмий жамоаси сари ижобий қадамларидир. Энди эса бўлажак кимёгарларимизни ҳозирги замон фани асосларида тайёрлашимиз керак бўлади. Бу эса ўз навбатида Сурхондарё вилояти учун малакали кимёгарлар тайёрлаш ва вилоятда кимё саноатини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан биридир.

**Ҳайит ТЎРАЕВ**
**кимё фанлари номзоди, доцент.**

*Истиқлол қалдирғочлари*

## ЎРНАК ОЛСА, АРЗИЙДИ

***• Ташаббускор раис***
***• Бизда ишсизлар бўлмайди***
***• Маҳсулот тури 22 тага етди***

Бугунги кунда қаерда бўлманг, ким билан суҳбатлашманг, гап мавзуси тадбиркорликка, ишбилармонликка ва уддабурроликка бориб тақалади. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Албатта яхши. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Ҳозирги шароитдан, вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, ташкилотчи, ташаббускор ишбилармонлар, тадбиркорлар сув ва ҳаводек кераклигини қалбдан ҳис этамиз. Уларнинг ажойиб яратувчилик ҳаракатлари туфайли қадим-қадимдан ота-боболаримиз машғул бўлган касб-корлар қайта тикланмоқда, тури ва сифати жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Ҳатто ишбилармонларимиз томонидан ихтиро этилаётган маҳсулот ва материаллар жаҳон бозорига юз тутмоқда. Энг муҳими шундаки, ҳаётдаги танқислик сезиларли даражада бартараф этилмоқда.

Қашқа воҳасида ҳам тадбиркор ва ишбилармон ташкилот, корхона, завод, фабрика, муассасалар сафи кенгайиб бораётир. Қарши улгуржи чакана савдо ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамияти ана шундай жамоалардан бири. Жамият раиси Исмоил Раимовнинг ташаббуси билан 1992 йилнинг февраль ойидан буён тикувчилик цехи фаолият кўрсатмоқда. Цехда 143 киши ишлаяпти. Бу ерда асосан қишлоқ аҳолиси дидига мос маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, аёллар халати, кўйлак, эркаклар шими, халати, болаларга мос кийим-кечаклар, сумкалар, чойшаб ва шу кабилар. Цех жамоаси томонидан тайёрланган кийим-кечаклар харидорлар томонидан юқори баҳоланиб, қизиқиш билан харид қилинмоқда.

Яқинда биз жамият тадбиркорлари ҳузурида бўлиб, уларнинг иши билан танишдик.

— Тикувчилик цехини ташкил этишимизнинг ўз тарихи бор,— дейди биз билан суҳбатда жамият раиси Исмоил Раимов.— Собиқ СССР даврида маҳсулотларни асосан иттифоқдош республикалардан ва хориждан олардик. Тақдир тақозоси билан иттифоқдош республикалар мустақил бўлганидан сўнг, таъминотда кескин узилиш бўлди. Бундай пайтда қўл қовуштириб турсак биров бирор нарсани келтириб бермайди. Қисқаси, имконият қидириб ишламаган жамоа, фуқаро албатта, ютқизади. Шу боис биз ҳам юқоридан нажот кутиб ўтиришни ўзимизга эп кўрмадик. Бунинг устига нарх-наво беш-ўн баробар ошиб кетди. Ўзаро келишув алоқалари ўртасида тортишув пайдо бўла бошлади. Дарҳол жамоани тўплаб, собиқ СССР даврида кўргазма зали (четдан олинадиган маҳсулотлар намунага қўйиладиган кенг хона) сифатида фойдаланиб келинадиган хонани кенгайтириб, тикувчилик цехи очиш ҳақида фикр билдирдим. Жамоа бу фикрни қўллаб қувватлади. Биз тезликда Белорус республикасининг Витебск шаҳридаги тикув машинаси чиқарадиган завод билан алоқа қилиб, 82 дона "Аверло" русумли тикув машинасини 12 минг 400 сўмга харид қилдик. Кўргазма залини тартибга келтириб, дастгоҳларни ўрнатишга киришдик. Бу соҳада тажрибамиз йўқ эмасми, дарҳол Қарши тикувчилик фабрикаси маъмуриятига мурожаат қилиб, мутахассисларни таклиф этдик. Улар ўз ёрдамини биздан дариғ тутишмади. Дастгоҳлар жойлаштирилгандан сўнг, иш юритиш учун маҳсулот қидирдик. Горький вилоятининг Городец шаҳридаги қўшма корхона билан алоқа боғлаб, маҳсулот яъни тўқима ашёларини олабошладик. Хуллас, бу ишимиз ҳам силлиқ амалга ошди. Энди қарабсизки, цехни юритиш учун тикувчи хотин-қизлар керак.

— Албатта, шаҳардаги фабрикадан ишчилар таклиф қилгансизлар?..

— Шундай қилиш ҳам мумкин эди. Лекин биз бундай иш тутмадик. Аввало ўз одамларимизни цехга ишга таклиф қилдик. Чунки, қисқартириш туфайли кўплаб хотин-қизлар ишсиз юрган эди. Ишчи кучи етишмагандан сўнг, Қарши шаҳридаги меҳнат биржасига ҳам мурожаат қилдик. Цехимизни узоғи билан бир-бир ярим ойда ишчи кучи билан тўлиқ таъминладик. Ип-газлама материалларини олдин четдан олган бўлсак, кейинчалик қўшни вилоятлардан, жумладан, Бухоро, Тошкент ҳамда Марғилон ва Бойсун шаҳарларидан келтирилишини таъминладик. Тўғрисини айтганда, дастлабки йили ишимиз унчалик самара бермади. Чунки, ишчилар ҳам янги, иккинчидан таъминотда тез-тез узилиш бўлди. 1993 йилга келиб эса, цехни тўла қувват билан ишлашини таъминладик. Шу йил жами бўлиб 113 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, харидорларга тортиқ этдик.

— Исмоил ака, цех жамоаси айни пайтда 22 турда маҳсулот тайёрлашмоқда экан. Эшитишимизга қараганда, ҳаммаси ҳам харидоргир эмиш, бунга қандай қилиб эришдингизлар?

— Биз шу ўринда аввало халқимизнинг талаб ва истагини ҳисобга олдик. Сўнг эса жаҳон бозори маҳсулотларидан андоза олиб, бичиш-тикиш ишларини бажардик. Жамият раисининг муовини Маматқул Пўлатов, цех директори Алимардон Ёқубовлар таъминотда узилиш бўлмаслигини таъминлашда фаоллик кўрсатишаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Биз жамият раиси Исмоил Раимов ҳамроҳлигида тикувчилик цехини айландик. Цехда ишлаётган тикувчилар учун барча қулайликлар муҳайё. Овқатланиш, дам олиш, иш кийим алмаштириладиган хоналар алоҳида-алоҳида. Цех тўрида кўргазма тахтаси қўйилиб, унга 22 тур маҳсулотнинг ҳар биридан намуналар осиб қўйилган. 6 та тикувчилик бригадаси ташкил этилган. Бригада бошлиқлари Фотима Содиқова, Майсара Номозова, тикувчилар Малика Тоғаева, Гулзода Бозорова, Гулнора Зиёдова, Гулноза Элмуродовалар билан суҳбатлашганимизда, улар ўз ишидан мамнун эканликларини айтишди. Ҳар бир тикувчи бажарган ишига қараб маош олмоқда. Ўртача 280-350 сўмдан тўғри келмоқда. Энг муҳими шундаки, мазкур цехда жамият ҳисобидан қисқарган 54 хотин-қиз меҳнат қилаётганлиги, иш қидириб сарсон-саргардон бўлиб юрмаганлиги бизни қувонтирди.

— Умуман олганда мазкур цех жамият фаолиятини яхшилашда қандай улуш қўшмоқда?,— сўраймиз жамият раиси муовини Маматқул Пўлатовдан.

— Бир оғиз сўз билан ҳиссаси катта дейишим мумкин. Лекин бунинг ўзи кифоя қилмайди. Жамиятимиз вилоятдаги еттита туман матлубот жамиятларини маҳсулот билан таъминлаб туриши керак. Олдингидек четдан маҳсулот ололмаганимиздан сўнг таъминот ҳам ўзига яраша бўлади. Шу ўринда баҳоли қудрат цехда тайёрланган маҳсулотларимизни юқоридаги туманлар аҳолисига мунтазам етказиб бераётганлигимиз туфайли таъминотда унчалик узилиш бўлаётгани йўқ. Биз келгусида шунга ўхшаш кўплаб цехлар очишни мўлжаллаб турибмиз. Мақсадимиз аҳолига савдо хизмати кўрсатишда узилиш бўлмаслигини таъминлашдан иборатдир. Иккинчидан, биз тайёрланаётган маҳсулотнинг арзон ва сифатли бўлиши, аҳолининг дидига мослиги учун курашамиз. Учинчидан эса, жамоамизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни бош вазифа деб биламиз.

Ҳа, тадбиркорликни, ишбилармонликни қалбларига жо қилиб, хайрли ишга қўл урган мазкур жамият маъмуриятининг ишидан ўрнак олса арзийди.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**"Туркистон" мухбири.**

